

### **III МАВЗУ**

## **Муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш**

- 1.** Референдум ўтказувчи участка комиссиялари жойлашган бино ва хоналарни жиҳозлаш
- 2.** Референдумда овоз берувчи фуқароларни муддатидан олдин овоз бериш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилиш
- 3.** Овоз бериш бюллетенларини олиш, расмийлаштириш ва сақлаш
- 4.** Муддатидан олдин овоз бериш талабларига риоя қилган ҳолда овоз бериш жараёнини ўтказиш
- 5.** Муддатидан олдин овоз берган фуқаролар ҳисобини юритиш, умумлаштириш ва тақдим этиш



## 1. Референдум ўтказувчи участка комиссиялари жойлашган бино ва хоналарни жиҳозлаш

Референдум участкаларида овоз беришни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар участка комиссиялари ихтиёрига бепул бериб турадилар.

Лозим бўлган даражада **жиҳозланган овоз бериш хоналари** туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан участка комиссияларига референдум ўтказиладиган кундан **камида 11 кун олдин тақдим этилиши керак.**



Нега? Чунки “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 35<sup>1</sup>-моддасида:

“Муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун колганида бошланади ва референдумга уч кун колганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва фуқароларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади”, деб белгиланган. Демак, муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун қолганида бошланишини инобатга олиб, овоз бериш хоналари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан участка комиссияларига референдум ўтказиладиган кундан камида 11 кун олдин тақдим этилиши керак.



Ўз навбатида, референдум ўтказувчи участка комиссиялари жойлашган бинолар ўрнатилган тартибда жиҳозланиши ва қуйидагиларга эга бўлиши керак:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг устида ва ичида);
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби (бинонинг ичида);
- референдум участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа;
- ёруғ ва кенг овоз бериш хонаси;
- қулфланадиган сейф ёки металл шкаф;
- ёзув анжомлари билан таъминланган яширин овоз бериш кабиналари (1000 нафаргача овоз берувчи фуқаро

учун камида 2 та, 2000 нафаргача овоз берувчи фуқаро  
учун камида 3 та, 3000 нафаргача овоз берувчи фуқаро  
учун камида 4 та);

- жисмоний имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган яширин овоз бериш кабиналари;
- стационар овоз бериш қутиси;
- кўчма овоз бериш қутиси;
- пластмассали пломбалар (умумий 7 дона, шундан, 3 таси стационар овоз бериш қутиси учун, 1 таси кўчма овоз бериш қутиси учун, 1 таси қоп учун, 2 таси захира учун);
- участка комиссиясининг муҳри;
- зарур мебеллар, оргтехника воситалари (компьютер, принтер, сканер, нусха кўчирувчи ускуна, UPS), телефон, телевизор;
- иккитадан кам бўлмаган СЖБАТ талабларига жавоб берувчи компьютер ва уларга керакли бўлган мосламалар (UPS, принтер, сканер ва бошқалар) ҳамда узлуксиз Интернет алоқаси;
- кузатувчилар учун алоҳида жойлар;
- ёнғинга қарши воситалар.





## ЁДДА ТУТИНГ!

*Участка комиссияси жойлашган бино ва унга олиб борувчи йўлаклар озода ва таъмирланган, ёритиш мосламалари ўрнатилган бўлиши керак.*

Шунингдек, участка комиссияси жойлашган бинода референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли стендлар бўлиши лозим.

Овоз бериш биносидан ёки бевосита унинг олдида участка комиссияси стенд жиҳозлайди, унга овоз бериш бюллетенининг намунаси ва уни тўлдириш тартиби жойлаштирилади, агар референдумга қонун лойиҳаси қўйилган бўлса, стендга шу лойиҳанинг матни ҳам жойлаштирилади.

### РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШГА ТААЛЛУҚЛИ МАЪЛУМОТЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛАДИГАН СТЕНДЛАРДА ҚЎЙИДАГИЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ:

референдум санасига бағишланган плакатлар (Ўзбекистон Республикаси референдумига \_\_\_ кун қолди);

референдум участкасининг харитаси;

участка комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали;

референдумга қўйилган масала ҳақида ахборот;



фуқаролар мурожаати учун Марказий сайлов комиссиясининг ишонч телефони ёки электрон манзили, округ комиссияси, тегишли туман (шаҳар) суди ва прокуратурасининг телефон рақамлари акс эттирилган маълумотлар;

овоз бериш тартиби;

овоз берувчи фуқаролар рўйхати;

референдумга оид инфографик кўрунишдаги тушунтириш материаллари ва ахборотлар.

Овоз бериш хонасига олиб борувчи йўлларида 1-иловада белгиланган шаклдаги кўрсаткичлари кўринарли жойларга жойлаштирилиши керак.

Участка комиссияси биноси пештоқига 2-иловада белгиланган шаклда референдум участкаси тартиб рақами ёзилган пешлаҳа жойлаштирилади, бинога кириш жойида ногиронлар арачасига мослаштирилган нишаб йўлаклари (пандуслар) бўлиши ва уларнинг белгиланган талабларга (эни камида 90 сантиметр, чиқиш бурчаги 30° дан кўп бўлмаган) мос келиши керак.

## УЧАСТКА КОМИССИЯСИДА ЮРИТИЛАДИГАН ҚҲЙИДАГИ ИШ ЮРИТИШ ДАФТАРИ ВА ЖИЛДЛАРИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ:



- ✓ участка комиссиясининг қарорлари, баённомалари ва далолатномаларининг жилди;
- ✓ кириш, чиқиш ҳужжатларини, шу жумладан мурожаатларни рўйхатга олиш дафтари ва жилди;
- ✓ кузатувчиларни рўйхатга олиш дафтари.



## 2. Референдумда овоз берувчи фуқароларни муддатидан олдин овоз бериш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилиш

Референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи фуқаро муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.



### **ЁДДА ТУТИНГ!**

*Муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун қолганида бошланади ва референдумга уч кун қолганида тугалланади.*

Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва овоз берувчи фуқароларнинг, кузатувчиларнинг, кенг жамоатчиликнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Шунингдек, овоз берувчи фуқаролар рўйхатини аниқлаштириш ишлари олиб борилаётган вақтда фуқароларга муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш имконияти ва бошқа ҳуқуқлари тушунтирилади.

### МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ НИМА УЧУН ЗАРУР?

- ✓ Референдум куни фуқаро ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаганда (*таътил, хизмат сафари ва ҳоказо*)
- ✓ Референдум куни хорижга чиқишни режалаштирганда



*Шунингдек, овоз берувчи фуқаролар рўйхатини аниқлаштириш ишлари олиб борилаётган вақтда фуқароларга муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш имконияти ва бошқа ҳуқуқлари тушунтирилади.*



### 3. Овоз бериш бюллетенларини олиш, расмийлаштириш ва сақлаш

Участка комиссиялари референдум участкасидаги овоз берувчи фуқаролар умумий сонининг 5 фоизи миқдоридан бюллетенларни ҳамда конвертларни округ комиссиясидан муддатидан олдин овоз бериш бошланишига камида уч кун қолганида оладилар.

Масалан: муайян референдум участкасида овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилганлар сони 2000 нафар бўлса, демак ушбу референдум ўтказувчи участка комиссияси 2000 х 5 фоиз, яъни 100 донга овоз бериш бюллетенларини олади. Шундан сўнг, референдумда овоз бериш кунига 10 кун қолганидан бошлаб, ўрнатилган тартибда муддатидан олдин овоз бериш жараёнини ташкил этади ва ўтказилади.

Референдум кунига уч кун қолганида эса қолган овоз бериш бюллетенларини, яъни 95,5 фоиз миқдоридаги овоз бериш бюллетенларини округ комиссиясидан оладилар. Чунки “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ – референдум ўтказувчи участка комиссияси оладиган овоз бериш бюллетенларининг сони участка бўйича рўйхатларга кiritилган фуқаролар сонининг ярим фоизидан кўп бўлиши мумкин эмас.



Ушбу модда талабига мувофиқ, участка комиссияси округ комиссиясидан, жами бўлиб, ушбу референдум участкасидаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатига кiritилган фуқаролар умумий сонининг 100,5 фоизи миқдоридаги овоз бериш бюллетенларини олиши лозим.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, муддатидан олдин овоз беришдан камида уч кун олдин участка комиссияси округ комиссиясидан 5 фоиз миқдоридаги, асосий овоз бериш куни, яъни референдум кунидан камида уч кун олдин эса 95,5 фоиз миқдоридаги овоз бериш бюллетенларини олади.

## ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕТЕНЛАРИНИ САҚЛАШ



- Референдум ўтказувчи участка комиссияси, шунингдек, **Брайль алифбоси асосида тайёрланган трафаретни** округ комиссияларидан далолатнома асосида қабул қилиб олади ва уларнинг сақланишини таъминлайди.
- Округ комиссиясидан олинган бюллетенларни **икки нафар участка комиссияси аъзосининг имзоси ва комиссия муҳри билан тасдиқлайди** ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайди.







#### 4. Муддатидан олдин овоз бериш талабларига риоя қилган ҳолда овоз бериш жараёнини ўтказиш

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун овоз берувчи фуқаро референдум кунда бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка комиссиясидан бюллетень ва конвертни олади.



##### **ЁДДА ТУТИНГ!**

*Участка комиссияси овоз берувчи фуқародан референдум кунда бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши тақиқланади.*

Овоз берувчи фуқаро бюллетенни олганлиги ҳақида тегишли участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида 3-иловага мувофиқ шаклдаги овоз берувчи фуқаролар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди.



##### **ЁДДА ТУТИНГ!**

*Мазкур рўйхатга овоз берувчи фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ёзув ручкаси орқали киритилиши мумкин.*



##### **ЁДДА ТУТИНГ!**

*Участка комиссияси аъзоси муддатидан олдин овоз берган овоз берувчи фуқарони СЖБАТдаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатида муддатидан олдин овоз берган фуқаро сифатида белгилаши шарт.*

Бюллетень махсус жиҳозланган яширин овоз бериш каби-насида ёки хонасида овоз берувчи фуқаро томонидан мустақил қарор қабул қилиши орқали тўлдирилади.

Фуқаро ўзи овоз бераётган вариант рўпарасида, ўнг томон-да жойлашган бўш квадратга “+” ёки “✓” ёхуд “х” белгисини қўяди.

Овоз берувчи фуқаро тўлдирилган бюллетенни конвертга солади ва елимлаб ёпади.

Овоз берувчи фуқаро тўлдирилган бюллетенни ёпиқ кон-вертда участка комиссияси аъзосига топширади.

Участка комиссиясининг аъзоси овоз берувчи фуқаро ҳозирлигида конвертнинг ёпиқлигини текширади ва конверт-нинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади.

Конверт референдум куни овоз бериш жараёни яқунлангу-нига қадар участка комиссиясининг сейфида сақланади.



## **5. Муддатидан олдин овоз берган фуқаролар ҳисобини юритиш, умумлаштириш ва тақдим этиш**

Участка комиссияси аъзоси муддатидан олдин овоз берган овоз берувчи фуқарони СЖБАТдаги овоз берувчи фуқаролар рўйхатида муддатидан олдин овоз берган фуқаро сифатида бел-гилашни амалга ошириб келади.

Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига ўзгартишлар ки-ритиш референдумга 5 кун қолганида тўхтатилади.

Участка комиссияси котиби референдумга 3 кун қолганида ўз ҳудудидаги овоз берувчи фуқароларнинг охириги рўйхатларини СЖБАТдан юклаб олади, чоп этади ва участка комиссияси раи-сига тақдим қилади.



## **ЁДДА ТУТИНГ!**

Ушбу рўйхатда мазкур референдум участкаси бўйича муддатидан олдин овоз берган фуқароларнинг Ф.И.О. рўпарасида “муддатидан олдин овоз берди” ёзуви турган бўлиши ва жадвалнинг “Жами” қисмида “муддатидан олдин \_\_\_-нафар фуқаро овоз берди” – умумий муддатдан олдин овоз берганлар сони бўлиши лозим.


1-ИЛОВА

### **Референдум участкаси кўрсаткичи**



2-ИЛОВА

### **Референдум участкаси пешлавҳаси**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ

### ОВОЗ БЕРУВЧИЛАР РҲЙХАТИДАН КҲЧИРМА

(муддатидан олдин овоз берганлар бҲйича)

\_\_\_\_\_ - референдум округи  
 20\_\_й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_  
 (референдум санаси)

### \_\_\_\_\_ РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАСИ

(референдум участкаси жойлашган ер – қишлоқ, овул, шаҳарча, шаҳар, туман, вилоят, ҳарбий қисми)

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, ойи, кунин*	Тураб жойи	Овоз берувчининг референдум бюллетенини олганлиги ҳақидаги имзоси
1	2	3	4	5

\*) Референдум кунин 18 ёшга тўлган овоз берувчи фуқаронинг туғилган кунин ва ойин кўрсатилсин.

**Изоҳ:** Мазкур рўйхатга овоз берувчи фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ёзув рўчкасин орқали киритилишин мумкин.

## КЕЙСЛАР

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
1.	<p>2022 йил 25 август кuni Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқкальа туманида жойлашган 15-референдум участкасига муддатидан олдин овоз бериш учун келган фуқаро Д. Муталова белгиланган тартибга мувофиқ овоз бериш бюллетенини тўлдириди ҳамда конвертга солиб участка комиссияси аъзосига топширди. Участка комиссиясининг икки нафар аъзоси конвертнинг елимланган жойига имзо қўйиб, участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқлади. Д. Муталова комиссия аъзоларига конвертнинг елимланган жойига овоз беришчи ҳам имзо қўйиши лозимлигини билдириб, конвертни тақдим этишни сўради. Участка комиссияси аъзоси “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасида, конвертга овоз бериувчининг имзо қўйиши кўрсатилмаганлигини билдириди. Д. Муталова эса қонунчиликда овоз бериш бюллетени солинган конверт овоз бериувчининг имзоси билан ҳам тасдиқланиши белгиланганлигини билдириди. Участка комиссияси аъзоси референдум жараянида илк марта қатнашаётганлиги сабабли бу каби қонунлардан тўлиқ хабардор эмаслигини билдириб, овоз бериувчидан уэр сўради ҳамда конвертнинг елимланган жойига имзосини қўйиш учун тақдим этди.</p>	<p>1. Юқоридаги ҳолатда референдум қонунчилигига оид қандайдиз хатти-ҳаракатлар содир этилган?</p> <p>2. Муддатидан олдин овоз беришда бюллетень солинган конвертга овоз бериувчи ҳам имзо қўйиши мумкинми?</p>	<p>“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасига кўра, қонуннинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланиши белгиланган. Мазкур ўринда овоз бериувчининг ҳам имзо қўйиши белгиланмаган.</p>	<p>“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддаси</p>

<p><b>2.</b> Фуқаро А. Абдурахмонов муддатидан олдин овоз беришдан 5 кун олдин ўзи рўйхатга олинган референдум участкасига кўнграқ қилиб, касби журналист бўлганлиги сабабли хизмат сафари билан кечурун чет элга учиб кетаётганлигини, шу сабабли ҳам референдумда муддатидан олдин овоз бермоқчилигини ҳамда сафар тайёргарликлари билан бандлиги сабабли референдум участкасига бора олмаслигини ва турган жойида овоз бермоқчилигини билдирди. Участка комиссияси аъзоси эса турган жойида овоз бериш фақат референдум кuni амалга оширилишини, муддатидан олдин овоз беришда бундай имконият берилмаганлигини билдирди. Бунга жавобан фуқаро Абдурахмонов ўтган Президент сайловларида ҳам хизмат сафари билан чет элга бўлганлигини, лекин у ерда турган жойида муддатидан олдин овоз берганлигини билдириб, бу имкониятдан нима сабабдан Ўзбекистонда фойдалана олмаслигини ҳамда агар асос топиб бера олмаса, конунчилиكنи билмай фуқаро хукукxини поймол қилганлиги сабабли интернетда бу ҳақида маҳола чиқаришини айтди. Референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоси Абдурахмоновнинг ушбу фикрларига асосли жавоб қайтара олмай унинг турган жойига овоз бериши учун боришини билдирди.</p>	
	<p>1. Турган жойида овоз бериш хукуки муддатидан олдин овоз бериш жараёнларида ҳам амал қиладими? 2. Хоржий мамлакатлардаги референдум участкаларида муддатидан олдин овоз бериш овоз берувчининг турган жойида амалга оширилиши мумкинми? 3. Комиссия аъзосининг охириги жавоби асослими?</p>
	<p>1. Муддатидан олдин овоз бериш фақат референдум участкасида амалга оширилади. 2. Хоржий мамлакатда ташкил этилган референдум участкаларида овоз берувчининг турган жойи бўйича муддатидан олдин овоз бериш ташкил этилиши мумкин. 3. Кейсда комиссия аъзосининг харакати нотўғри</p>
	<p>“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Конуннинг 35<sup>1</sup>-35<sup>2</sup> моддалари</p>

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
3.	<p>Овоз берувчи Ш. Абдумаликов мудлатидан олдин овоз бериш учун референдум участкасига келганида участка комиссияси аъзоларидан фақат бир нафари бор эди. Мазкур комиссия аъзоси овоз берувчи Абдумаликовга айна вақтда овоз бера олмаслигини, сабаби овоз беришда иштирак этиш учун камида икки нафар комиссия аъзоси бўлиши кераклигини, комиссиянинг навбатчилиқда турган бошқа аъзолари тиббий кўрик учун поликлиникага кетганлигини, шу сабабли ҳам бошқа кун келишини тушунтирди. Овоз берувчи эса, референдум участкасига бошқа ҳеч ким йўқлиги сабабли овоз беришнинг яширинлиги бузилмаслигини айтиди ва овоз бериш бюллетенини беришни сўради. Комиссия аъзоси ҳам мантиқан Абдумаликовнинг фикри тўғрилиги сабабли унга овоз бериш бюллетенини берди. Овоз берувчи ҳам комиссия аъзосидан узоқроқ турган стол олдига бориб бюллетенини тўлдириб конвертга солиб берди.</p>	<p>1. Мудлатидан олдин овоз бериш вақтида референдум участкасига комиссия аъзоларининг фақат бир нафар аъзоси бўлиши мумкиними?</p> <p>2. Референдум участкасига одам кам бўлса, овоз берувчи бюллетень тўлдириб учун овоз бериш кабинасига кириши шартми?</p>	<p>1. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 351-моддасига кўра, овоз берувчи, овоз бериш бюллетенини олганлиги хақида тегишли участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси хозирлигида овоз берувчи фуқаролар рўйхатига имзо қўяди. Шу сабабли ҳам фақат бир нафар комиссия аъзоси референдум участкасига хозир бўлиши мумкин эмас.</p> <p>2. Юқоридаги қонун моддасига кўра, референдумда овоз бериш бюллетени маҳсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига овоз берувчи томонидан тўлдирилади. Овоз берувчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган референдумда овоз бериш бюллетенини ёпиқ конвертга қолдиради.</p>	<p>“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 351-моддаси</p>

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
4.	<p>Мактаб биносида ташкил этилган референдум участкасида комиссия раиси этиб мазкур мактаб директори белгиланган. Ушбу комиссия раиси муддатидан олдин овоз берган овоз берувчининг овоз бериш бюллетенини янада хавфсизроқ бўлиши учун мактаб директориянинг хонасидаги сейфга олиб бориб қўйишга топшириқ берди. Комиссиянинг бошқа аъзолари овоз бериш бюллетенлари референдум участкасининг сейфида туриши кераклигини айтишганда, комиссия раиси овоз бериш бюллетенларининг сақланиши учун жавобгарлик комиссия раисида эканлигини, ўзининг асосий вақти директорлик хонасида ўтаётганлиги учун бюллетенларни ҳам участканинг сейфида эмас, директор хонасидаги сейфда сақланиши ишончлироқ бўлишини, ҳолаверса, директор хонаси ва референдум участкаси битта бинода жойлашганлигини тушунтирди.</p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Комиссия раисининг харакаатларига баҳо бериш?</li> <li>2. Комиссия раисининг талаби асослими?</li> <li>3. Муддатидан олдин овоз берган овоз берувчиларнинг бюллетенлари қаерда сақланади?</li> </ol>	<p>“Ўзбекистон Республикасининг референдуми қарор қабул қилади ва тўлдирилган референдумда овоз бериш бюллетенини ёпик конвертга қолдиради, конверт тегишли участка комиссиясининг сейфида сақланади.</p>	<p>“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддаси</p>



Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечили-нинг ҳуқуқий асоси
5.	<p>Фуқаро Абдуразақов М.М. муддатидан олдин овоз бериш учун участка комиссиясига ариза билан мурожаат қилди. У аризада референдум куни яшаш жойида бўла олмаслигини, сабаб қилиб хизмат сафарига жўнаб кетишини келтирди. Участка комиссиясининг навбатчиликда турган аъзоси Фозилов Ф.Ф. овоз берувчини олдиндан таниганлиги боис (Фозилов фуқаро Абдуразақовни ҳеч қаерда ишламайди деб ҳисобларди) ундан хизмат сафарига жўнатиш бўйича иш берувчининг буйруғидан нусха тақдим қилиши кераклигини, шундан кейингина фуқаро Абдуразақов М.М.га муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини бериши мумкинлигини тушунтирди. Ўз навбатида, Абдуразақов ёнида бундай ҳужжат йўқлиги боис муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланмасдан референдум участкасини тарк этди.</p>	<p>1. Муддатидан олдин овоз бериш учун кимлар ариза билан мурожаат қилиши мумкин?</p> <p>2. Участка комиссиясининг аъзоси Фозиловнинг талаби асослими?</p> <p>3. Ушбу ҳолатда Абдуразақов қандай йўл тутиши лозим эди?</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги Қонуннинг 35<sup>1</sup>-моддасига кўра, овоз бериш куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.</p> <p>2. Участка комиссияси аъзоси овоз берувчидан референдум кунини олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши тақиқланади.</p> <p>3. Референдум қонунчилигига асосан, участка комиссияси овоз берувчидан референдум кунини бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши тақиқланганлиги туфайли ўз ҳуқуқини химоя қилиши лозим.</p>	<p>“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 35<sup>1</sup>-моддаси</p> <p>Референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссиялари тўғрисидаги Нисомнинг 65-банди</p>